



**ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА ДАВЛАТ ИНТЕРАКТИВ  
ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШНИНГ ОПТИМАЛ  
УСУЛЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ  
ФУҚАРОЛАРГА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРАСТИШНИ  
СОДДАЛАШТИРИШ**

**Раҳимова Шаҳноза**

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги

Тошкент ахборот технологиялар университети магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6626147>

**ARTICLE INFO**

Received: 28<sup>th</sup> May 2022

Accepted: 02<sup>nd</sup> June 2022

Online: 05<sup>th</sup> June 2022

**KEY WORDS**

электрон ҳукумат,  
юридик шахс, ID-карта

**ABSTRACT**

Мақола куннинг долзарб масалаларидан бири – фуқароларга давлат хизматларини тез, кенгайтирилган тарзда ва ишончли хизмат кўрсатиш вазифасини янада соддалаштириш, анъанавий, яъни жойлардаги давлат ташкилотлари (корхона, муассаса ва ҳқ) айни вақтда бориб хизматдан навбатда туриб фойдаланиш тизимини такомиллаштириш ёки бирламчи эҳтиёждаги хизматларни (шу ўринда ҳужжатларни) масофавий тарзда тақдим қилиш мақсадида Ягона интерактив Давлат хизматлари портални такомиллаштиришга бағишланган. Портал такомиллаштириш фуқароларга хизматлар тақдим қилиниши хусусан, жойлардаги “Ягона дарча” давлат хизматлари марказига ташриф буюрмасдан масофавий фойдаланиш ва шу билан бир қаторда, Давлат хизматларини ҳар бир фуқаро мутахассисга мурожаат қилмасдан ўзи тўғридан-тўғри фойдаланиш учун соддалаштириш ва талабгорларнинг миқдорини ошириш кўзда тутилган. Бу такомиллаштирилган порталда фойдаланувчи ва корхона маълумотлари тўлиқ хавфсиз тарзда маълумотлар базаси шакиллантирилган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг янги босқичи бугун Электрон ҳукумат тизимида ҳам яққол номоён бўлмоқда. Ўзбекистонда ягона давлат интерактив хизматларини кўрсатишни такомиллаштириш учун кўпгина мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. Ишониш қийин, аммо ҳозирги кунда Япония ва АҚШ каби энг илғор

мамлакатлар ҳам мўъжазгина Эстония кўмагига таянишмоқда: e-Estonia доирасида Японияда рақамли рецептлар сайтлари ишга туширилган, АҚШ учун эса телекоммуникацияларда маълумотларни хавфсиз алмашиш тизимлари ишлаб чиқилган. Эстония нафақат ўзининг, балки бошқа мамлакатларнинг ҳам «рақамли жарлик»дан ўтиб олишлари учун, e-



Estonia Briefing Centerra асос солган. Унда 130 дан ортиқ мамлакатга энг ўринли ечимлар тақдим этилган. Хусусан Ўзбекистон ҳам электрон ҳукумат соҳасида Эстония тажрибасини ўрганаётгани ҳам бежизга эмас. Аҳолиси сони жиҳатидан Тошкент шаҳриникидан уч барабар кам аҳолини ташкил этувчи бу кичик мамлакат тажрибаси биз учун энг оптимал тажриба усули бўлиб ҳисобланмоқда.

Мамлакатимизда фуқароларга давлат хизматларини тез, кенгайтирилган тарзда ва ишончли хизмат кўрсатиш вазифасини янада соддалаштиришда e-Estonia тажрибасига асосланган ҳолда анъанавий, яъни жойлардаги давлат ташкилотлари (корхона, муассаса ва ҳқ) айна вақтда бориб хизматдан навбатда туриб фойдаланиш тизимини такомиллаштириш ёки бирламчи эҳтиёждаги хизматларни (шу ўринда ҳужжатларни) масофавий тарзда тақдим қилиш мақсадида Ягона интерактив Давлат хизматлари порталини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Бунда, Эстония интернетдан фойдаланишни инсон ҳуқуқи даражасига айлантиргвнидек ва намунали стартап муҳитини яратганидек бутун Ўзбекистон бўйлаб олис ва чекка ҳудудларда ҳам юқори сифатли интернет хизматлари тақдим қилишни йўлга қўйиш лозим.

Эстонияда юридик шахслар ва оддий фуқароларга кўрсатиладиган давлат хизматларининг аксарияти аллақачон рақамли шаклга ўтиб бўлган. Мазкур инқилоб 1991 йилга бориб тақалади. Эстония ўз мустақиллигига эришган кунданоқ ҳукумат раҳбарлари ва сиёсатчилар бюрократиясиз давлатни

тиклашга қарор қилдилар. Орадан 30 йил ўтиб, Эстония дунёдаги энг зўр рақамли инфратузилмани қура олди. Имзолар — рақамли, солиқ тўлайман десангиз, марҳамат, интернет бор. Бир-икки дақиқангиз, бир-икки мегабайтингиз кетади, холос — ҳафсала бўлса бас. Сайловлар ҳам онлайн, ҳеч қандай сайлов қутилари, варақалар, машмашаларсиз ўтади. Мактаблар сайлов участкаларига айлантирилмайди. Компьютер ёки телефоннинг ўзи ҳам етади. Албатта, шахсан бориб овоз берсаям бўлади, бироқ тобора кўпчилик «рақамлар»ни танлаяпти. Бугунги кунда ҳар бир эстониялик кундалик ҳаётида рақамли хизматлардан доимий равишда фойдаланиб келади: улар учун 600 дан ортиқ онлайн хизматлар, бизнес вакиллари учун эса 2400 дан зиёд электрон давлат хизматлари кўрсатилади. Эстонияда ишлаб чиқилган ва онлайн паспорт вазифасини бажарадиган ID-карта орқали мамлакат аҳолиси қўйидаги амалиётлардан фойдаланишлари мумкин: масофадан туриб шартномалар тузиш, жамоат транспортдан фойдаланиш учун тўловни амалга ошириш; мобил телефон ёрдамида «стоянка»га ҳақ тўлаш, Интернет орқали сайловларда овоз бериш, Интернет орқали банк амалиётларини амалга ошириш, шифокорлардан масофадан туриб рақамли рецептлар олиш, солиқ декларациясини онлайн тарзда топшириш, талабалар ўзларининг баҳоларини текширишлари, ўқув жараёнини кузатиши ва интернет орқали ўқув материалларидан фойдаланиши; компьютерда ўтириб онлайн равишда 18 дақиқа ичида янги



компанияни рўйхатдан ўтказиш, давлат нафақаларини олиш учун мурожаат қилиш (масалан, бола парвариши учун нафақалар). ID-карта Эстонияда деярли барча электрон хизматлардан фойдаланишда муҳим рол ўйнайди. Бу шахсни аниқлаш ва рақамли имзо билан ҳужжатни тасдиқлаш имконини беради. Электрон рақамли имзонинг аҳамияти Эстония қонунлари билан мустаҳкамлаб қўйилган. Хатарларни камайтириш учун кучли кодлаш қўлланилади ва ID-картада минимал шахсий маълумотлар мавжуд. Йўқотилган карталарни осонгина бекор қилиш мумкин. Эстонияда бепул ва тезкор симсиз интернет деярли ҳамма жойда: боғларда, майдонларда, кафеларда, ресторанларда, аэропортларда, поездларда, автовокзалларда, ҳатто ўрмонда ҳам мавжуд. Юқоридаги амалиётларни ҳам мамлакатимизда босқичма-босқич амалга ошириш лозим. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон ва Эстониянинг АКТ йўналишида ҳамкорлик алоқалари 2021-йилнинг 7-апрель куни Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари О.Пекос Эстония электрон бошқарув академиясининг ижрочи директори Ҳаннес Асток билан онлайн учрашув ўтказилиб ва орадан бир ҳафта ўтиб, 14-апрель куни жаноб Ҳаннес Асток Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида бўлиб ўтган учрашувда, бугунги кунда Эстония электрон ҳукуматни жорий этиш ва ривожлантириш бўйича Европа ҳамда дунёда етакчилардан бири ҳисобланиши, Болтиқбўйи давлатининг

тажрибаси мамлакатимизда «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Электрон ҳукумат ривожини мамлакатимиз бўйлаб янги босқичга олиб чиқилиши белгиланиб, Эстония электрон бошқарув академиясининг ижрочи директори Ҳ.Астокнинг Ўзбекистонга ташрифи мобайнида Электрон ҳукумат лойиҳаларни бошқариш марказида ҳам учрашув бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ўртасида электрон ҳукумат ва рақамли ривожланиш йўналишларида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, жумладан, давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига хизматларни кўрсатишда электрон алмашинув механизмларини такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди. БМТнинг электрон ҳукуматлар бўйича 2020-йилги рейтингида Эстония дунёнинг энг рақамлашган уч мамлакатидан бири сифатида эътироф этилганди. Эстония электрон ҳукумати халқаро рейтингда 2016-йили — 13-ўринда, 2018-йили — 16-ўринда эди. 2020-йилги катта сакраш кичик мамлакатни бир йўла учинчи ўринга олиб чиқди. Ўзбекистон ушбу глобал рейтингда 87-ўринда қайд этган. Мазкур соҳада яна ҳам юқори поғоналарни забт этиш мақсадида дунёда етакчи бўлган давлатлар билан фикр алмашиб, халқаро тажрибадан ўтган электрон ҳукумат хизматларини мамлакатимизда жорий этиш кўзда тутилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-



тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, келгуси 5 йил давомида рақамли иқтисодиётга тезкор ўтиш Ўзбекистон учун устувор вазифа ҳисобланади. Фармон қабул қилинганига ярим йилдан ошган бўлса-да, унда белгиланган лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳозирданоқ ўз мевасини бермоқда. Биргина мисол, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимини жорий этиш натижасида ижтимоий нафақа тайинлашда 11 турдан ортиқ турли хил ҳужжатларни фуқаролардан талаб қилиш бекор қилинди ҳамда 1 миллион 200 мингдан ортиқ оилага ижтимоий нафақа бўйича моддий ёрдам пули автоматлаштирилган тарзда ажратилди. Бу эса, ижтимоий нафақага муҳтож оилаларни ҳар хил сарсонгарчиликлардан халос қилиб, инсон аралашувидан ҳоли бўлишга, коррупциянинг олди олинишига хизмат қилади. Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ([my.gov.uz](http://my.gov.uz)) аҳолига бу каби кенг қулайликлар яратувчи хизматлар талайгина бўлиб, бугунги кунгача жорий қилинган хизматлар сони 212 тага етказилди. Бизнинг мамлакатда ҳам Эстония каби ID-карта тизимига ўтиш юзасидан ишлар аллақачон бошлаб юборилган. Эндиликда фуқарога паспорт ўрнига ID-карта берилиши жараёнида у автомат тарзида электрон ҳукумат фойдаланувчиси сифатида ([id.egov.uz](http://id.egov.uz)) рўйхатга олиниб, электрон рақамли

имзо берилиши йўлга қўйилган. Электрон ҳукумат бўйича дунё рейтингда етакчи бўлиб турган мамлакатлар билан алоқалар эса белгиланган марраларга эришишни тезлаштиришга хизмат қилади. Шу маънода учрашувда Ўзбекистонда электрон ҳукуматни ривожлантириш, жумладан, давлат хизматларини электрон форматга ўтказиш бўйича икки томонлама ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига хизматлар кўрсатиш, ушбу соҳада мутахассисларни тайёрлашга келишиб олинди. Учрашув натижаларига кўра, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича асосий тадбирларни амалга оширишнинг мақсадлари, вазифалари, йўналишлари ҳамда муддатлари белгилаб олинди. Сўнги йилларда амалга оширилаётган ислохотларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларда давлат хизматлари кўрсатиш даражасини яхшилаш, вақтни иқтисод қилиш ва фуқароларга хизматлар тақдим қилиниши хусусан, жойлардаги “Ягона дарча” давлат хизматлари марказига ташриф буюрмасдан масофавий фойдаланиш ва шу билан бир қаторда, Давлат хизматларини ҳар бир фуқаро мутахассисга мурожаат қилмасдан ўзи тўғридан-тўғри фойдаланиш учун соддалаштириш ва талабгорларнинг миқдорини ошириш кўзда тутилган.

## References:

1. Электрон ҳукумати тизимларида блокчейн технологияларни қўллаш асослари ўқув қўлланма – Саидов А. А.
2. Инновации в стране : IT в регионах – Ильхомов В.



# EURASIAN JOURNAL OF MATHEMATICAL THEORY AND COMPUTER SCIENCES

Innovative Academy Research Support Center

UIF = 8.3 | SJIF = 5.916

[www.in-academy.uz](http://www.in-academy.uz)